

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қосимова Манзура Абдуллаевна

Бухоро давлат университети,
мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада педагогик ҳамкорлик жараёни, уни таъминлаш имкониятлари, мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи шахсига янгича нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи дидактик мажмуаларнинг ўзига хос характери, улардаги ўқув материалларида педагогик ҳамкорликни таъминлаш, ҳамкорликдаги педагогик тизимда ўқувчиларни тарбиялаш, атроф-муҳитга педагогик руҳ бағишлаш имкониятлари очиқ берилган ҳамда ушбу йўналишда аниқ тавсиялар тақдим этилган.*

***Таянч сўзлар:** педагогик ҳамкорлик, ҳамкорлик принциплари, дидактик мажмуа, инсонпарварлик, демократия принципи, индивидуал ёндашув, педагогик-психологик таъхислаш, шахсга йўналтирилган ёндашув, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги, ҳамкорликдаги педагогик муҳит.*

***Аннотация.** В данной статье освещены теоретические подходы к реализации процесса педагогического сотрудничества, особенности этого процесса, раскрыта сущность дидактических комплексов, способствующих активизации и развитию учащихся, представлены конкретные рекомендации по обеспечению процесса сотрудничества учебными материалами воспитательного характера и созданию необходимой психолого-педагогической среды.*

***Ключевые слова:** педагогическое сотрудничество, принципы сотрудничества, дидактический комплекс, гуманизация, демократические принципы, индивидуальный подход, педагогико-психологическая диагностика, личностно-ориентированный подход, сотрудничество учителя и ученика, педагогическая среда сотрудничества.*

***Abstract.** This article highlights the theoretical approaches to the implementation of the process of pedagogical cooperation, especially the process, reveals the essence of didactic complexes that promote the revitalization and development of students, presented concrete recommendations for ensuring the cooperation of teaching materials of an educational nature, and create the necessary psychological and educational environment.*

***Key words:** pedagogical cooperation, the principles of cooperation, didactic complex, humanization, democratic principles, individual approach, pedagogical-psychological diagnostics, student-centered approach, the cooperation of teacher and student, teacher collaborative environment.*

Таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ўқувчиларда онгли фаолият кўрсатиш кўникмасини таркиб топтириш, уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бошланғич синф ўқувчилари мураккаб, руҳий инкирозлар вужудга келадиган, юқори қувватга эга бўлган, шижоатли, янгиликка чанқоқ, оламни ўзлаштиришга интилувчан, мустақиллик ва мослашувчанликка мойил, хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жадал суръат билан кечадиган бўладилар. Шунга кўра қуйидагиларнинг муҳимлиги кузатилмоқда:

- ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигини бошланғич синфлардаёқ йўлга қўйишнинг зарурлиги;

- бошланғич синфларда ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қиладиган методларни қўллашнинг муҳимлиги;

- ўқувчиларга тақдим этиладиган ахборотлар ҳажмининг кенглиги ва уларни ўзлаштириш ўзаро ҳамкорлик ва фикр алмашиниш муҳитини тақозо қилиши;

- ўқитувчи билан ўқувчилар орасида дўстона ҳамкорликка асосланган муҳитнинг вужудга келиши ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисмига айланиши зарурлиги;

- ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатларида анъанавий педагогик ёндашувларнинг сақланиб қолаётганлиги ва уни бартараф этиш эҳтиёжининг кучаяётганлиги;

- таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг муҳимлиги;

- ўқитувчининг муомала одоби, назокати, шахслараро муомала мароми, ўқувчилар билан дўстона муносабатни ўрнатувчи муҳим омил эканлиги кабилар.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, ал-Форобий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний кабиларнинг илмий-назарий меросида ўқитувчилар ва таълим олувчилар орасидаги ҳамкорлик, дўстона муносабат кенг талқин этилган.

Ибн Сино болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш масаласига катта аҳамият бериб, «Тадбир ул манозил» асарининг махсус бўлимини ана шу масалага бағишлаган. Китобнинг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида унинг таъкидлашича, мактабга барча кишиларнинг болалари жалб этилиши ва ҳамма болалар бирга ўқитилиши ва тарбияланиши лозим. У болани уй шароитида яқка ўқитишга қарши бўлган, болани мактабда жамоа билан ўқитишнинг фойдасини қуйидагича ифодалаган:

- ✓ Агар болалар бирга ўқиса, зерикмайди, уларда фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат қилишади,

мусобақалаш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради.

✓ Ўзаро суҳбатда болалар бир-бирларига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар.

✓ Болалар бирга тўпланганларида бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар.

Ибн Сино ўз асарларида ўқувчига таълим-тарбия беришда қуйидаги тамойилларга амал қилиш кераклигини таъкидлайди:

- бирданига дарслик билан банд қилиб қўймаслик;
- енгилдан оғирга ўтиш;
- жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши, қобилиятини ҳисобга

олиш ва ҳоказолар ҳақида ўз фикрини ёзиб қолдирган.

Шарқда “Шарқ Арастуси” ёки “Иккинчи муаллим” номларига сазовор бўлган Абу Наср Фаробийнинг фикрига кўра таълим технологиясининг бош ғояси таълим-тарбиянинг мақсади ҳамда ўқитишнинг восита ва усулларига бориб тақалади. Демак, Фаробийнинг таълим технологиясида барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-ҳунарга оид малакалар ҳосил қилиниши асослаб берилади. Фаробий ўз асарларида инсонга таълим-тарбия бериш зарурлигини айтади. Бунда таълим-тарбия усулларидан кутилган мақсад масалалари → (натига) асосий ўрин эгаллашини қайд этади. Унинг кўрсатмалари ҳозирги таълим ва тарбия технологиясининг таркибий тузилмасига жуда яқин:

1. *Таълим-тарбия мақсади* → ижтимоий эҳтиёж.

2. *Таълим-тарбия мазмуни* → таълим жараёни.

3. *Натижа* → таълим-тарбия олувчи ва таълим-тарбия берувчидир Абу

Райҳон Берунийнинг ўқитишда ўқувчини зериктирмаслик ва хотирасини толиқтирмаслик учун ўрганиладиган фанларни тез-тез алмаштириб туриш зарурлиги ва ўқитишда турли таълим услубларидан фойдаланиш ҳақидаги илғор фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Унинг асарларида таълим-тарбиянинг муҳим методологик асослари қуйидагича қайд этилган:

➤ дарсда ўқувчиларни зериктирмаслик (мотивацион ва шахсни ривожлантириш вазиятларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти таркибий тузилмасини аниқлаш);

➤ таълимдаги узвийлик ва изчиллик (дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги);

- янги мавзуни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этиш (таълим методларини танлаш, таълим воситаларидан фойдаланиш услубини аниқлаш);
- олиб борилаётган машқларнинг болалар ёшига мос бўлиши (ўқувчилар - нинг ўзлаштириш даражасини маълум босқичдан юқорироқ босқичга кўтариш кетма-кетлигини таоминлаш);
- ҳар бир таълим жараёнини енгилдан оғирга қараб мураккаблаштириб бориш (таълимнинг технологик воситаларини ўқувчининг ёшига мос қилиб танлаш)
- болага билим беришда мажбуран зўриқишга йўл қўймаслик (педагогик технологиядан мажбуран фойдаланмаслик).

Ижтимоий ҳамкорлик муаммосининг ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳамкорликдаги фаолият кўриниши тарзида тадқиқ қилинган ва илмий жиҳатдан асосланган. Бу борадаги изланишларнинг айримлари ҳамкорликдаги фаолиятни ишлаб чиқариш жараёнининг ижтимоий-психология нуқтаи назаридан ўрганиш, яъни жамоадаги ижтимоий-психологик муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган.

А.В.Петровский шахслараро муносабатлар жамоадаги фаолиятдан келиб чиқишини ўрганган ҳолда, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқот, муомалага нисбатан эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам муҳим шарти эканлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки:

- ўқитувчи-ўқувчи орасидаги дўстона муносабат негизида ахборотларни тақдим этиш ва ўзлаштириш;
- бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар орасида дўстона муҳитни шакллантириш билан боғлиқ педагогик шарт-шароитларни аниқлаш;
- бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар орасида ҳамкорлик ва дўстона муносабатни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини излаш;
- бошланғич таълимда дўстона муносабатни ташкил этиш жараёнининг мазмуни, шакл, восита, усул ва методларини аниқлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугунги кунда ҳамкорлик шахс тафаккурининг ўзгариши натижасида вужудга келмоқда. Ҳамкорликни ташкил этувчи тушунчаларнинг таркиби инсоннинг замонавий тафаккурини ифодалайди. Бу жараёнда ҳамкорлик ўз қўлланишига хос бўлган бошланғич ҳолатни тарк этади. Чунки инсон тафаккури

бир қатор тушунчалар билан мустаҳкам боғланган. Улар етуклик, янги тафаккурни тақозо қилувчи онгда мавжуд бўлади.

Инсон ҳар доим тўпланган тажрибалардан ўз фаолиятида фойдаланишга эҳтиёж сезади. Бу ўринда асосий эътибор тизимнинг вужудга келиши, қурилиши ва унинг ривожланишини асослашга қаратилади. Педагогикада турли вазифаларни ечиш жараёнида тузилмани сақлаш ва ташкил этиш, муайян тартибни вужудга келтириш фаолиятнинг мақсади ёки унинг муҳим босқичи ҳисобланади. Масалан, ўқув масалаларини биргаликда ечишни режалаштирган гуруҳнинг ташкил топиши. Бундай гуруҳ барқарор ва янги топшириқларни ўзлаштиришга тезгина мўлжал оладиган гуруҳ бўлиши лозим. Бундай гуруҳни ташкил этишнинг оптимал мақсадга эришадиган йўли қандай, деган савол туғилади. Бу тарздаги гуруҳларни ташкил этиш масаласи таълим жараёнида алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бу ўринда синаб кўриш ва хатолар методидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Бундай ҳаракатга асосланган тизимни вужудга келтириш ўта мураккабдир. Бунда ҳамкорликка асосланган ўқувчилар гуруҳини шакллантиришга оид педагогик назарияларга таяниш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу вазиятда ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этиш қонуниятининг моҳиятини баҳолаш мураккабдир.

Ҳамкорлик педагогикасининг бугунги кунга қадар тадқиқ этилмаганлигининг асосий сабаби – таълимнинг тўла маънода ўқитувчи ҳамда ўқувчи шахсига йўналтирилмаганлигидадир. Ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларини анъанавий таълим шароитида тадбиқ қилиш ўта мураккаб масаладир. Биз амалиётда бундай уринишларнинг мавжудлигини ҳам кузатдик.

Бугунги кунда асосий эътибор ўсиб келаётган ёш авлодга сифатли таълим-тарбия беришга қаратилмоқда. Шунга кўра, педагогика фани учун ривожланаётган шахсда фаол ижод қилиш кўникмаси, ижтимоий жиҳатдан янги сифатлар, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга тайёр туриш кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлган таълим мақсади устиворлик қилмоқда. Таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқувчиларда шахсий сифатларни шакллантириш кўп жиҳатдан умуминсоний эҳтиёжлар билан боғлиқ тарзда вужудга келмоқда.

Ҳамкорликка асосланган педагогика ўқитувчи ҳамда ўқувчилар биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизим бўлиб, бу жараёнда жамоанинг ижодий қувватлари ва фаолият самарадорлиги намоён бўлади. Янги мақсадларни рўёбга чиқариш имконияти таъминланади. Бу мақсад – ўқувчилар жамоасини уларнинг кучлари ёрдамида кўшимча ижодий натижани қўлга киритишга ўргатишдан иборат. Ҳамкорлик педагогикаси янги воситалар билан компьютер

техникаси ёрдамида мулоқот жараёнини оптималлаштиради ҳамда ахборотли маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам, ҳамкорлик педагогикаси таълим жараёнида қўллаш учун ўқув материалларига ишлов беришда янги таълим методларидан фойдаланади. Шу мақсадда ҳамкорлик педагогикаси бир қатор фан соҳалари билан кесишади. Жумладан, ижтимоий мулоқот назарияси, ахборот технологиялари, мантиқ, тилшунослик, шунингдек, шахсий кузатишлар ва тажриба-синов натижалари, психологияга оид билимлар кабилар.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорликка асосланган ижодий фаолиятини ташкил этиш учун ахборотли маҳсулотларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамкорликда ишловчи жуфтликлар гуруҳларини ташкил этиш XXI асрдаги синф хоналарида кўпинча ўқувчилар қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамкорликда ишлашга ундаладилар. Ҳамкорлик жамоа бўлиб ишлашни, яъни бир ёки ундан кўп инсонлар билан мақсадларни белгилаб олиш ва уларга биргаликда эришишни талаб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳамкорлик ўқувчиларга ўзлаштиришда муваффақиятга эришиш имкониятларини яратиб беради. Чунки, ушбу услуб орқали ўқувчилар саволлар билан мурожаат қилишлари, фикрлар хусусида баҳс юритишлари, ечимларни қидиришлари, теран фикрлашлари ҳамда дарс мавзусини чуқурроқ тушинишга эришишлари мумкин. Шунингдек, навбат билан ҳаракат қилиш, ўртоқлашиш, бошқаларга кўмаклашиш ҳамда бошқаларнинг ёрдамини қабул қилиш каби кўникмаларни айнан ҳамкорлик услуби орқали шакллантириш мумкин.

Ҳамкорлик қилувчи гуруҳлар ёки жуфтликлар кўплаб услублар орқали ташкил этилиши мумкин:

- Дўстлик ёки умумий қизиқишлар асосида ўқувчиларнинг ўзлари томонидан

- Эҳтимолий тартибда танланиш орқали
- Ўқитувчи томонидан тайинланиш орқали

Ҳамкорлик қилиш кўникмаси ўқувчилардан табиий равишда пайдо бўлмаслиги ва бунинг учун рағбатлантириш, ролли ўйинлар, бевосита кўрсатмалар ва машқ учун вақт талаб этилиши мумкин. Масалан, биргаликда ишлаш услублари хусусида баҳс юритилиши мумкин, жумладан, навбат билан фикр билдириш, бошқалар гапираётганда кулоқ солиш орқали ҳамда ўз ўзлаштириш жараёнига масъулият ҳис этиш орқали. Ўқувчилар ҳамкорлик қилганларида ва биргаликда иш олиб борганларида ўқитувчилар гуруҳлардаги барча ўқувчилар:

- Иштирок этишлари ва ўзларини жараённинг бир қисми сифатида ҳис этишларини
- Кўзлаган натижаларига эришиш йўлида ўз мақсадлари ва режаларини келишиб олишларига
- Ўз натижаларига эришиш учун уларга ажратилган бўлимлар устида ишлашларига
- Биргаликда бажарган ишларини қандай яхшилаш мумкинлиги хусусида бирга бош қотиришлари
- Ўзлари бажарган иш хусусида гапиришлари ва фикр билдиришда бир-бирларига ёрдам беришларини таъминлашлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида ўқувчиларни ҳар томонлама ўзгартириш тамоман янги илмий-педагогик асосларга таянишни тақозо қилмоқда. Умумий ўрта таълим олдига қўйилган мақсад, вазифа ва тамойилларни амалга ошириш нафақат таълим мазмунини ўзгартиришни талаб қилмоқда, балки унинг шакллари, методлари, ўқитувчи фаолиятини ҳам такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ўқитувчилар янги ижтимоий шароитларга ишлашга лаёқатли, педагогик вазиятлар ечимига ноанъанавий тарзда ёндаша оладиган, ўқитишда муаллифлик технологияларини ярата оладиган бўлишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении: О коллективном способе учебной работы: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1991. – 192 с.
2. Князева Е.Н. Курдюмов С.П. Синергетика и новые подходы к процессу обучения / Е.Н. Князева, С.П. Курдюмов / [http://www. uni-dubna. ru](http://www.uni-dubna.ru)
3. Место и роль учителя в инновационных педагогических технологиях: Тез.докл. межвуз. науч.-пр. конф., 26–28 мая 1994 г. – Бирск: Б.и., 1994. – 206 с.
4. Дилова Н.Ф. Педагогик ҳамкорлик воситасида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш имкониятлари //Халқ таълими. – Тошкент, 2012. – № 3. – Б. 76 -77. (13.00.01 №17)
5. Дилова Н.Ф. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари //Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2016. – № 2. – Б.3 -7. (13.00.01 №9)
6. Дилова Н.Ф. Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик асосида педагогик муомала ва мулоқот усулларини шакллантириш//Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2017. – № 1. – Б.9 -12. (13.00.01 №9)